



# ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги наشري

Сотувда нархи эркин

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 28 апрель № 17 (142) •

• Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига

## ЁНГА ҚОЛГАН УМР

Аҳмадқул Ҳотамов урушдан олдин "Оққўрғон" жамоа хўжалигидаги тракторчилар бригадасида меҳнат қилар эди.

1941 йилнинг май ойида ҳарбий хизматга чақирилди. Аввалига Карелия фронтининг 131-ўқчи полкида пулеметчи, сўнгра мерган бўлиб душманга қарши курашди.

1944 йилнинг баҳорида жанчиларимиз Ленинград, Карелия фронтларида фашистларга узилик зарба бериш учун ҳужумга ўтдилар. Душман ҳужумни қайтариш учун тиш-тирноғи билан оғишлик кўрсатарди. Аҳмадқул махсус разведкачилар ротасида хизмат қиларди. Ладога кўли учун бўлаётган жангга уларнинг бўлинмасига душман орқасига ўтиб, ҳарбий қисмларнинг жойлашини аниқлаш топширилди. Бу вазифи ундалаш вақтида Аҳмадқул яраланди. Бир неча орден ва жанговор медаллар соҳиб бўлган оддий аскар Аҳмадқул Ҳотамов хизматга яроқсиз деб топилди, жонажон кишлоғига бир оёғидан ажралиб қайтиб келди.

Ўйғон қўзилиб, ингичка зуладидан бир замон эди. Ногирон Аҳмадқул қўлтиктаёқ билан ишлар эди. Туман алоқа бўлими раҳбарияти уни Оққўрғон кишлоғига почтачи қилиб тайинлади. Аста-секин ишлари ҳам юриша бошлади. Янги касбига меҳр қўйиб ишлай бошлади. Ота-онаси топан-тутганини йиғиб, Аҳмадқулни қилантириш таралдудига тушишди. Тенгқурлари унга тўй ҳақида гап очилса: "Менга ким ҳам кизини берарди" дея умидсизланди. Шундай кунларнинг бирида Мўмин исми дўсти гап қотди:

— Биродар, ўзинг яхши билган Қосим бригаднинг жияни Санобарга уйлансанг ёмон бўлмасди. Сен хоҳласанг бўлди, уёғини менга қўйиб бер. Совчиликка ўзим бо-

раман.

Тўғриси, Аҳмадқул биродарининг гапидан қувонди. Кўнгли тоғдек кўтарилса-да, лекин ичидagini ташига чиқармади. Уша кун эртадан кечгача хат-хабар, газета тарқатган бўлса ҳам чарчамади. Тоғаси Қосим ака билан бирга ишлаб юрганида кўриб юргани — жингалак сочли, кўхликкина кизини хаёлидан кет-кизолмас эди.

Ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўлар экан. Қосим аканикига борган совчилар куруқ қайтишмади. Нон ушатилди. Камтарона тўй ҳам бўлиб ўтди. Янги келин-куёв тинч-тотув яшай бошлашди. Аҳмадқул яна ўз ишини давом эттиришга киришди. Кечалари улар газета, хат-хабарларни манзилларга қараб ажратиб чиқишарди. Шундай кунларнинг бирида Аҳмадқул жангчилардан келган хатларни кўздан кечириб ўтираркан, учбурчак хатжилдини ушлаганча паришон бўлиб қолди. Бунини дарров пайкаган Санобар:

— Ха, сизга нима бўлди, рангингиз бунча ўзгариб кетди? — деб сўради.

— Шеркул отанинг ўғли ҳам ҳалок бўлибди, — деди Аҳмадқул овози қалтириб, — Бу шум хабарни Шеркул ота билан Зулайҳо холага қандай етказаман. Бу гапни эшитган Санобарнинг ҳам кўнгли хижил бўлди. Анча кунгача эрининг ўша ҳолатда мунгайиб ўтирганини унутмай юрди.

Сир эмас, уруш йиллари почтачига ҳам осон бўлмаган. Ҳалок бўлганлар ҳақида "қора хатлар" кун ора келиб турар, бундай пайтларда Аҳмадқул тезроқ дорилордон кунлар келишини, одамларга фақат хушхабарлар тарқатишни оруз қилар эди.

Ватан урушининг биринчи тои-



Суратда: 50-АТС ходимлари Марина Мякушко ва Юля Мухортовалар алоқа жиҳозларининг ишлашини текширишмоқда.

Сураткаш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

фа ногирони Аҳмадқул Ҳотамов Бувайда туманининг "Оққўрғон" жамоа хўжалигида қирқ йил почтачилик қилди. Қирқ йил — инсон умрининг каттагина улуши. Бир йилнинг ўртача умри. Аҳмадқул ота урушдан кейинги енга қолган умрини эл хизматига бағишлади.

Ота 1985 йили нафақага чиқди. Унинг саккиз фарзанди, 28 нафар навараси бор. У ҳозирда ҳам тиниб-тинчимади. 75 ёшга кирган отахон бир оёқлаб томорқасида меҳнат қилади, мўл-кўлчиликка баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшади.

Ватан уруши иштирокчиси, алоқа жонқуяри Аҳмадқул ота Ҳотамовни Ғалаба байрами билан самимий қутлаб, унга узоқ умр, хонадонига тинчлик-осойишталик, рўшнолик тилаймиз.

**К. ТУРСУНОВ,**  
Фарғона вилояти, Бувайда тумани меҳнат факрийлари кенгашининг раиси

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Воқеалар • Янгиликлар • Хабарлар

• Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари бошлиқлари "Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан ўз мамлакатлари халқлари ва жаҳон жамоатчилигига Мурожаатнома" қабул қилдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти "1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисидан ишлаган меҳнаткашларини фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида" Фармон қабул қилди.

• Сеvimли езувчимиз Саид Аҳмад 75 ёшга тўлди. Шу кунларда езувчининг шоғирдлари, мухлислари уни бу қутлуг сана билан қутлашмоқда.

• Гулистон шаҳрида ТопДунинг 75 йиллигига бағишланган учрашув бўлди. Унда шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳамда меҳмонлар иштирок этишди.

• Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси С.Жигитов Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасига "Манас" дostonи талқинига бағишланган 20 дан зиёд китобни совға қилди.

• "Правда Востока" газетаси иловаси — "Коммерческое обозрение" ҳафтаномасининг биринчи сонини босмадан чиқди. Ун минг нусхали бу нашрда асосан реклама ва тижорат хабарлари чоп этилди.

• Қозғистонлик космонавт-увувчи Талғат Мусабоев "Ўзбеккосмос" тақлифига биноан Тошкентда меҳмон бўлди.

• Россия бosh вазир Виктор Черномырдин чечен халқига мурожаатномасида дастлабки шартларсиз икки томондан жанговар ҳаракатларини тўхтатиш юзасидан музокаралар бошлашга даяъат эди.

• Бурятия Республикаси халқ парламенти сессияси мажлисида давлат герби, мадҳияси ва давлат нишонлари тасдиқланди.

• Маълумотларга қараганда, Россия мудофиа вазирининг ўринбосарлари апрель ойидан бошлаб 1 миллион 750 минг рубдан зиёд мвош олишаркан.

• Куба ташқи ишлар вазири Роберто Робайно май ойида ҳамдўстликка аъзо бир неча давлатларга ташриф буюрадиган бўлди.

• Американинг Оклахома-Сити шаҳрида рўй берган портлаш натижасида қурбонларнинг сонини 52 нафарга етди. Қутқарувчилар байроналар устидан қурбонларни қидириб топилда давом этмоқдалар. Маълум бўлишича, портлаш рўй берган дақиқаларда маъмурий бинода 810 нафар киши бўлган. Бирок халқгача 150 нафар кишининг тақдирини ноаёнлигича қолмоқда.

• Вирланган Миллатлар Ташкилоти Бoш Ассамблеясида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага (ЯҚТШ) аъзо мамлакатлар иштирокда ушбу муҳим шартномани белгиланмаган муддатда ва ҳеч қандай шарт қўймасдан узайтириш масаласи муҳокама этилмоқда.

## ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ МУТАХАССИСЛАР

Тошкентда "Планиту" Европа Ҳамкорлик Комиссияси томонидан ташкил этилган халқаро дастурлар бўйича алоқачи мутахассислар тайёрлаш ва қайта ўқитиш ўқув марказининг дастлабки машгулотлари тугалланди. Унга Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Мўғулистондан мутахассислар

жалб этилди.

Ўқув марказида таҳсил олган ўн олти битирувчи замонавий талабга жавоб бера оладиган мутахассис гувоҳномасига сазовор бўлишди.

Олдидан навбатдаги вазифалар турибди. Жумладан, дастурларни янада мукамаллаштириш, асослаш, ўқув хоналарини тўлиқ ком-

пьютерлаштириш ва тингловчилар сонини ошириш, халқаро ташкилотлардан молиявий ёрдам олиш лозим. Шу мақсадда Тошкент электротехника алоқа институти ва Минтақаларо ўқув маркази раҳбарлари Белгиядаги нуфузли халқаро ташкилотларнинг йилгига хизмат сафарига юборилди.



Ҳафиза кичкина-лигида дугоналари билан бирга гугурт қутиси ва оналарига сим боғлаб, “телефон-телефон” ўйинини кўп ўйнарди. Аммо катта

У мураккаб алоқа техникаси билан тил топишиш учун маълум кўникма, тажриба, чаққонлик зарурлигини ҳис қилди. Бу борада астойдил тер тўқди, жамоадолари ҳам қараб туришгани йўқ, унга касб сирларини ўргата бошлади. Тез орада Ҳафиза мижозлардан тушган буюртмаларни ўз вақтида, тез ва сифатли бажариши билан жамоада танилиб қолди.

— Ҳозирда ишимиз анча енгиллашган, — дейди у.

Ҳафиза Жунисова Тошкент телефон-телеграф станциясига ишга келиб кам бўлгани йўқ. Бу ерда у кўп дугоналар орттирди. Зухра опа, Фарид, Дяна каби дугоналари билан тўй-ҳашамларда, жамоа бўлиб сайру-саехатларга чиқишганда доимо бирга бўлишади.

— Йигит-қизлардаги қайси фазилатлар сизга еқади? — сўрайман телефончи қиздан.

— Йигитларнинг мард, шўх, ҳазилкашлиги яхши-ю, — дейди Ҳафиза хиел ўйланиб, — аммо қизларнинг иккиюзламачи, елгончилигини емон кўраман.

## ТЕЛЕФОНЧИ ҚИЗ ҲАФИЗА

бўлсам телефончи бўлман деб ҳеч ўйлаган эмас. Боғчада тарбиячи бўлиб ишлашни орзу қиларди. Тақдир экан, мана олти йилдирки, Тошкент телефон-телеграф станциясининг “07” хизматида 3 тоифали телефончи бўлиб меҳнат қилади.

— Алоқа соҳасига тасодифан келиб қолганман, — дейди Ҳафизахон Жунисова. — Мактабда ўқиним тугагач, Тошкентдаги педагогика билим юртида ўқиб, тарбиячи бўлишни хоҳлардим. Аммо тақдир тақозоси билан 4-алоқа хунар-техника билим юртида телефончи ихтисоси бўйича таълим олдим. Ишлаб чиқариш амалиётида шахримиздаги кўплаб алоқа корхоналарида бўлардик. У ерда алоқачиларнинг меҳнат фаолияти билан таниша бошлагач, менда шу касбга қизиқиш кучайди.

У билим юртида таҳсилни тугатиб, тўғри Тошкент телефон-телеграф станциясига ишга келди. Дастлаб мустақил иш бошлаш Ҳафиза учун машаққатли кечди.

— Бундан икки-уч йил олдин буюртмаларни бажаришда қийналар эдик. Чунки алоқа жиҳозларимиз эскириб қолган, таъмирталаб эди. Эндиликда мижозларни бошқа шаҳарлар билан улашда замонавий компьютерлардан фойдаланяпмиз.

Корхонада телефончиларга илгаригидек иш режаси берилмайди. Бир сменада 20 га яқин хотин-қиз ишлайди. Зудлик билан улашни зарур бўлган буюртмалар биринчи навбатда амалга оширилади.

— Жамоамиз ўзаро аҳил бўлиб меҳнат қилади, — дейди суҳбатдошим. — Корхонамиз раҳбарияти хизматчиларнинг туриш-турмушидан доимо огоҳ.

У Алоқа вазирлигининг ишчи-хизматчиларга мўлжалланган ётоқхонасида яшайди. Корхона ётоқ ҳақини тўлашда ёрдан бериб келмоқда. Ҳафиза тармоқ касаса уюшмасининг имтиезли йўлланмаси билан Наманган вилоятининг хушманзара Чортоқ санаториясида ҳордиқ чиқариб қайтди.

У мусиқа ва кўшиқ тинглаб рақсга тушишни, ҳинд киноларини, бинафшаранг гулларни еқтиради. Айниқса, эртак китобларни, “Саодат”, “Оила ва жамият” каби нашрларни ўқиганда олам-олам завқ олади.

— Барно исмли опам бор, — дейди телефончи қиз Ҳафиза. — Дам олиш кунлари у кишидан турли хил таом тайёрлаш сирларини ўрганаман. Барно опам пиширган хоним жуда мазали бўлади. Улар тайёрлаган даражада хоним, уйгурча лағмон пиширлини ўрганиб олсам дейман.

Унинг орзулари бисер. — Ҳаётда мард, ҳалол йигит билан турмуш қуриб, аҳил-тотув яшасам, шунинг ўзи мен учун бахт, — дейди мақоламиз қаҳрамони.

Ҳа, орзуга айб йўқ. Холис ниятларингиз ушалаверсин, Ҳафизахон!

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ



Тошкент Алоқа коллежида радиоузаткичлар лабораторияси ўқувчи ва ўқувчиларнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли вужудга келган.

Суратда: Лаборатория раҳбари, меҳнат фахрийси Шомурот Шомухамедов ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

Сураткаш Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

### • Алоқа матбуот кўзгусида

## ОЛИМПИАДА МАРКАЛАРИ

Грециядаги Олимпиада кунлари бағишланган биринчи почта маркалари 1896 йилнинг 6 апрелида чиқарилган. Уни грек почтаси чоп этган. Шундан кейин ўйин ташкилотчиси бўлмиш ҳар бир мамлакат ана шундай олимпиада маркаларини чиқара бошлади. 1924 йилдан бош-

лаб бу анъанани уруғвайлик почтачилар бузишди.

Улар ўз футболчиларининг Париждаги Олимпиадада эришган галабасига бағишланган маркани тарқатишди. Россияда эса 1952 йилдан буён олимпиада маркалари мунтазам чиқарилмоқда.

## ОВОЗ ЁЗИШ МЎЪЖИЗАСИ

Алоқа воситаси — телеграф миллоддан илгари — 450 йилда грек файласуфлари Клеоксен ва Демокритлар томонидан яратилган. Маълумки, инсоният жуда қадимдан фикрни, ахборотни масофага узатиш воситаларининг бир қанча турларини, услубларини жорий этган. Хусусан, олов ва машғалалар орқали, тутун ердамида, шишалар ақсидан фойдаланган ҳолда, товушлар, айниқса, барабанлар овози сув йўллари бўйича, флотда кенг тарқалган байроқчалар ҳаракати билан одамлар узоқ-яқин масофада бир-бирлари билан алоқа боғланганлар.

Грек олимлари жорий этган усул ҳам умуман оддий эди. Маълум катталиқдаги 4 та катакка 24 та ҳарф жойлаштирилган бўлиб, байроқча ва кечалари машғала ердамида керакли катак ва квадрат ичидаги зарур ҳарф кўрсатилар, бу ҳаракатлар кўз илгарлик масофада яхши кузатиларди. Ушбу система кенг тарқалмаган, аммо “езувни масофага узатиш”, яъни телеграф сўзини илк бор инсоният нутқида киритган.

Телеграф тараққиёти тарихида француз муҳандиси Клод Шапп ихтиролари диққатга сазовор. У ҳарфларга асосланган 76 фигурани акс эттирувчи ўзгарувчан мослама яратди. Франция ҳукумати бу лойиҳага катта эътибор билан қараб, муаллифга кенг шароит яратиб беради. Биринчи синов ҳаракатларини давлат комиссияси 2 мил (3,5 км) масофадан кузатиб, фигураларнинг ўзгариши орқали узатилаётган фикрни тўла қабул этади. Бу катга ютуқ эди. 1793 йилга келиб Париж ва Лион шаҳарлари оралиғидаги 30 мил масофага 20 та телеграф мосламалари ўрнатилиб, уларнинг барчаси айни бир ҳаракатни навбатма-навбат бир-бирларига узатади. Хабар 45 минут ичида Парижга узатилади. Телеграфистлар тажрибаси ошган сари бу вақт қисқа муддат ичида яна 20 марта камаяди. Бу муваффақият тез орада Париж-Лалеанш (4 минут), Париж-Странсбург (6 минут), Париж-Брест (7 минут) йўналишларини ҳам ишга тушишига йўл очиб беради.

1795 йили Шапп аппарати Швецияда, 1802 йили Данияда, 1833 йили Россияда ишлатила бошланади.

Телеграф мосламаларини яратиш ҳаракатлари бошқа давлатларда ҳам мавжуд эди. Жумладан, инглиз Жорж Муррей лойиҳасига кўра, 9 еки 12 деразали миноралар қурилиши мўлжалланган

бўлиб, ҳар қайси дераза маълум маънога эга эди. Шапп мосламасидан афзал томони, қоронғуда деразалар ичкаридан бемалол еритилиши мумкин бўлса-да, кўп харажатлар талаб этишига кўра, бу лойиҳа оммалашмай қолиб кетади.

Шунингдек, XIX аср давомида яратилган пневматик ва гидравлик телеграфлар лойиҳалари жуда мураккаблиги туфайли ҳаётда ўз ўрнини топа олмади.

1809 йилга келиб австриялик физик Зоммеринг телеграф аппаратини электр асосга кўчиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун ҳар бир ҳарфга мўлжалланган сув ванналарда кўпиклар ҳосил қилиш лозим эди. Гоёт қимматлиги туфайли рад этилган бу лойиҳа электр токига асосланган биринчи иш эди.

Даниялик олим Эрстед Зоммеринг лойиҳаси гоёсидан унумли фойдаланиб, ток ердамида қабул қилиш пунктидаги игна — стрелкани ҳаракат келтиради. Ток кучланиши эса стрелкани исталган ҳарфни кўрсатишига сабаб бўларди. Ушбу лойиҳа рус олими Павел Шиллинг томонидан янада такомиллаштирилади. У 1832 йили 6 та магнит стрелкаларини 6 та кружкага ўрнатиб, ток ердамида, маълум мақсад йўлида ҳаракатлантиради. Тажриба учун ҳатто Кишки Сарой ва Темир йўл министрлиги бинолари (800 метр) бир-бирига уланади. Тегишли идоралар эътиборсизлиги орқасида Шиллинг ушбу телеграф лойиҳасини Германияга олиб кетади. Аммо Германияда унинг лойиҳаси учун халқро патентни савдогар Уильям Кук ва физик Уинстонлар олишади. Тан олинган системада Уинстоннинг ҳам етарлича улуши бор эди. Хусусан, кружкалар ўрнини янги стрелкалар олган бўлиб, улар махсус доскада акс эттирилган ҳарфларнинг айнан керагига ишора этади. Бошқариш мосламалари, клавишлар ҳам такомиллашган, шунингдек, галваник элемент, реле, кўнгироқча ҳам қўшилган эди. Айнан шу телеграфда ишлатилган кўнгироқлар системаси, кейинроқ деярли барча хонадонлар эшикларига ўрнатиладиган бўлди.

Электр телеграф алоқа воситаси эса давр талабига кўра, Штейгейл, Гаусс, Веберлар томонидан такомиллаштирилди.

Хайрулла САЛОМУЛЛАЕВ,  
тарих фанлари номзоди  
("Тошкент Оқшоми", 1995 йил, 7 апрель)



**ОНА ЮРТ**

**Милиция полковниги Абдумуталлиб Эргашева** Гуркуровнинг дилбанди, эй кадрдоним Муталлиб, Корадаре сувин ичиб буй чўзган ҳамавлодим. Ишқ шавкига чуллагандай ошиенин андалиб, Мадрх айламоқ эди юртни сену менинг муродим. Бир тонг дарё олиб кетди хаёлларни ҳар томон, Талпинди дил, нигоҳимиз тикилганча йирокқа. Канотимиз енгил бўлди, парвоз қилдик икковлон, Қалбга ошно гуллар бўйин маҳкам жойлаб димокқа. Мусофирлик доғин кечиб не-не юртлар кезмадик, Эл тинчини қўлга олдинг, посбонларга сен-пешрав. Мен юрагим тутдим элга, юз иштибо ва хадик, Эгуликни, гузалликни куйлаяпман бахарнав. Бегонамас ҳар ер бизга, нолишга ҳам йўқ асос, Гарчи хидлар унут бўлди, бу оламда не боқий? Ватан кўзда эмас, дилда, ўқинаман аммо рост, Умримизни ютқанча сипқормоқда вақт-соқий. Оқ теракзор-пакка бизни

**Қамчибек КЕНЖА**

**МЕН ЮРАГИМ ТУТДИМ ЭЛГА**

қўсмасам ҳам, эҳтимол, Балки янги гулзорларда чарх урар ет булбуллар. Даредан сув таширмикин бутун қадди бўлиб дол, Кўнгилга илк гулу солган ўшал сочи сунбуллар?... Дўстим, доим ўртар мени эзгу ният, бир армон: Гуркуровнинг ўт бағрига бир кун яна қайтамыз. Сайр этаркан ўрмон аро, кекса тол ва заъфарон Майсаларнинг кулоғига эзгин алёр айтамыз.

20 январь, 1995 йил, Андижон.

**ХИЖРОН**

Мен имкон излайман Орадаги масофани Лоақал Чумоли қадамича Қисқартмоқ учун. Сенда эса имкон кўп — Масофани истаганча Узайтмоқ учун. Вақт сенинг кўзингга Турар мўлтираб, Олишувлар тинмайди: Имкон билан баҳоналар, Вақт билан масофалар Курашади. Оқибат — Қолиб кетар аро йўлда Висол деган ландавур, Ундан аввал етиб келар Яна хижрон маррага.

**АФҒОН ҚИЗИ**

(Сафар шеърларидан)

Тоғ йўлида учраган сулув, Ҳарир рўмол остидан кулиб,

Дилга солдинг чугдай бир гулу, Кулиб лолу бежон қилдинг-а, Ҳирот қизи, армон бўлдинг-а. Ой юзингни бир бор очдинг-а, Сўнг еггали бунча шош

динг-а, Нигоҳингни олиб қочдинг-а, Биз гарибни хайрон қилдинг-а, Афғон қизи, армон бўлдинг-а. Айт, чинмидинг, е пари, рўе, Тунда гуё қакнаб эне, Қайга гойиб бўлди сўнг дуне? Тонгни бирдан хуфтон

қилдинг-а, Ҳирот қизи, армон бўлдинг-а. Гамзангми бу еки қараш манг, Ё демишсан: "ҳаддан кўп ошманг, Бу жафоли йўлда адаш манг..."

Тилим боғлаб, гумроҳ қилдинг-а, Афғон қизи, армон

бўлдинг-а. Эртақларга ишонмас эдим, Гузалликдан ҳеч қонмас

эдим, Ишқда бунча лов енмас эдим,


Куйдирдинг-а, гулхан қилдинг-а,

Ҳирот қизи, армон бўлдинг-а. Андижонга қандай кетарман,

Гар соғинсам сени, нетарман,

Шахло кўзинг қўсмаб ўтарман, Юрагимни вайрон қилдинг-а, Афғон қизи, армон бўлдинг-а.

1994 йил.



Манзара

**ХАНДАЛАР**

Дўхтир миждодан сўради:

— Сиз чекасизми?

— Йўқ.

— Афсу! Чекишни ташлага-нингизда ўзингизни янада бардам ҳис этардингиз.

\*\*\*

Никоҳни қайд қилаётган хотин кувдан сўради:

— Хотинликка олишга розимисиз?

— Йўқ-йўқ! — кув дарҳол жавоб берди.

— Нега унда шу маҳалгача миқ этмай келдингиз?

— Мендан шу маҳалгача ҳеч ким сўрамади-да!

\*\*\*

Ота ўғли билан суҳбатлаш-япти.

— Энди сен вояга етиб қолдинг. Ота-онанга ердан беришни йўласанг бўлармиди.

— Тўғри, отажон. Ҳўш, мен нима қилишим керак?

— Ажрашган хотинингга нафақани ўзинг тўлай қол.

\*\*\*

Эр курортдан қайтди.

— О, қанчалик ўзгариб кетибсан-а, — деди хотини ажабланиб. — Икки юзинг қипқизил.

— Биласанми, курортда хотинлар шунақаям кўп эканки...

— Нима-нима?! — хотин таҳдид билан ўрнидан турди.

— Соҳилдаги юзта резина кўрпани пуфлаб кўрчи, юзинг эмас, ҳаммаёғинг қипқизил бўлиб кетади.

\*\*\*

— Бу қилмишингиз учун гувоҳномангизни олиб қўйишим мумкин, — деди ДАН ходими ҳайдовчига.

— Сиз менда гувоҳнома бор деб ўйлайсизми?

\*\*\*

Икки дугона учрашиб қолишди.

— Эшитдингми, ўпишим пайтида оғиздан оғизга беш миллион микроб ўтар экан.

— Ҳўш, нима бўпти? Демак, яна шунча микробдан қутулар эканми.

**АЖРАЛИШ НИМАГА БОҒЛИҚ?**

Олти миллион никоҳни ўрганиб чиққан Канада статистика бошқармаси маълумотига қараганда, кувё келиндан олти еш катта бўлиши лозим экан. Ана шундай эр-хотинларнинг ҳар юзтасидан фақат битта-иккитасидагина кўйди-чиқди бўларкан. Агар келин ўзидан 50 еш катта одамга турмушга чиқса, бундай никоҳлар ҳам мустаҳкам ҳисобланаркан. Чунки, бундай оилада иш кўйди-чиқдигача бориб етмас экан.

**ОЗОДЛИК ШАЪНИГА ТўҒРИ КЕЛМАСДИ**

Куба пойтахти Гавана ортиқча шов-шувларсиз фоҳишалардан тозаланди. Хотин-қизлар Федерацияси конгрессида Фидель Кастро ва Конгресс раиси Вильма Эспин бу ижтимоий иллатга қарши курашиш учун даъват этишди. Куба раҳбарининг гапларига қараганда фоҳишабозлик фақат жамиятнинг маънавий ҳолатигагина эмас, балки Озодлик оролининг обурўйига ҳам жиддий путур етказмоқда.

**• Ажаб дунё**

Айтилган сўз — отилган ўк! Сууюқоқлар ўз-ўзидан гойиб бўлиб қолишди. Ҳозирча қанча фоҳиша полициячиларнинг қўлига тушганлиги маълум эмас. Ҳарқалай, уларнинг кўпчилиги яшин ҳолатда фаолият кўрсатишга ўтган кўринадди. Фоҳишалар кечагина ялло қилиб сайр этадиган жойларда энди полициячилар юришибди.

**ҚИЗЛАР КУЁВ ТАНЛАЙДИ**

Ҳиндистондаги Аҳмадободдан унча узоқ бўлмаган Тарнетар қишлоғида қизлар ўзларига кувё танлайдиган машхур ярмарка бор.

Бу ўзига хос ярмарка учкўзли худо Шивага аталган ибодатхона енида, миллий либослар кийиб ўтказилади. Ясаниб олган кувётўралар шамсия ушлаб туришади. Эрликка номзодлар атрофида эса қизлар бўлажак умр йўлдошини синчковлик билан назардан ўтказишади. Агар қиз еш йигит қаршисида тўхтаб, гап қотса, демак у билан турмуш қуришга рози деган маъно аңлашилади. Бундай гаройиб ярмарка ҳақида "Индия" журнали хабар берди.

**МУАССИС:** Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирилиги  
Бош мухтарир: Шодмон ОТАБЕК  
**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Шухрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ Мирпўлат МИРЗО

**Рустам СОБИТ** (Бош мухтарир ўринбосари)  
Тоҳир РАҲИМОВ  
Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ  
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:  
Бўриной АҲМЕДОВ  
Билал АМИНОВ

Саидмахмуд АҚБАРОВ  
Шоҳруҳ АҚБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Жамол КАМОЛ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД  
Сафар ОСТОНОВ  
Нурали ҚОБУЛ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
**ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. **ИНДЕКС:** 64600  
**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**

Мухарриратга келган қўлёзмалар [2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим] ва сўраглар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган фант ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №200011. Буюртма №Г-0175. 11905 нускада чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБ АА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 X 5 6

ДУШАНБА, I

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Мультифильм. 18.15 "Ислохот одимлари". 18.40 "Ешлик" студияси. "Онамнинг ўнгилари". 19.15 "Футбол шарҳи". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Баҳор гудастаси". М. Турғунбоева номидаги "Баҳор" Давлат ракс ансамблининг концерти. 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. "Муъжизалар шу ерда тугилади". 22.00 "Ҳужжатли аҳмоқ". Абдор Хидоятлов номидаги Ўзбек драма театрининг спектакли. Телепреьера. 00.20 — 00.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Қўзумчоқ". 19.00 "Тафсилот". 19.15 "Саломатлик — туман бойлик". 19.45 "Само остидаги юдузулар". 20.15 — 21.35 "Бефайз ақшанба". Бадий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Бозор иқтисоди сабоқлари". "ОМАД" таништиради: 19.25 "Совга". 19.55 "4/8". Мусикий кўрсатув. 20.15 "Панорама". 20.40 Жаҳон географияси. 21.35 "Эй-Би-Си" янгиликлари. 21.55 Эълонлар. 22.00 Видео — "О". 23.40 Эълонлар. 23.45 "Курьер". 00.05 "... яна об-хаво ҳақида". 00.15 — 00.25 "Постфактум". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45 Анжела Лансберг ва Умар Шурфилар "Миссис Айрис Парижда йўл олади" лирик комедиясида (Англия, 1992 й.). 22.20 — 23.20 "Алла Пугачева. Турли даврлар кўшиқлари".

СЕШАНБА, 2

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. 9.15 "Ешлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб". 9.40 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. Эмин Усмонов. "Сукунат". 10.00 Немис тили. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. 11.00 "Кафолат". 11.30 — 13.30 "Умидлар йили". Видео-канал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Кўгирчоқлар — менинг дўстларим". 18.40 "Навоийхонлик". Адабий кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Компьютер-шоу". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Бесосита мулоқот. 22.15 Олдуз Абдуллаева қўйлади. 22.45 "Қизил олма". Бадий фильм. 00.05 — 00.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ III

"ОМАД" таништиради: 18.30 "Мультифейерверк". 18.55 "Табият дунёси". 19.45 Янгиликлар. 19.50 "Хусусийлаштириш: кадам-бакадам". 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.35 Видеоид. 20.55 "Теле-ателье-шоу". 21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 21.45 — 23.25 "Киноингоҳ".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Ўқордиёт" телекомпанияси янгиликлари. 19.15 "Дурларинг" телекомпаниясининг кўрсатувлари.



20.15 "Уммондан томчи". 20.50 "Чинсан". 21.30 "Мусликий саехат". Франция. 22.00 "Спорт-тайм". 22.30 — 22.40 "Би-Би-Си" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 — 8.00 "Телетонг". 18.05 Луи де Фюнес "Жандарм Нью-Йоркда" кинокомедиясида (Франция — Италия, 1966 й.). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45 — 22.05 "Бу дунё зўравонлари". Морис Дрюоннинг романи асосида телесериал. I-серия (Франция).

ЧОРШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. 9.05 Алифбо сабоқлари. 9.35 "Ешлик" студияси. "Оқар дарлар". 10.15 Тошкент вилояти, Оққўрғон район Маданият уйи қошидаги "Наврўзи аҷам" халқ ансамблининг концерти. 10.40 "Компьютер-шоу" (такрор.). 11.15 — 13.15 "Биз танлаган йул". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Кувноқлар даврасида". 18.35 "Мардлик — мангулик!" телетанловига. Баҳодир Собит. "Битмас жароҳат". 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ашула ва ракс ансамблининг концерти. 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Кеча ва бугун". 22.00 "Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиги". Бадий фильм. 23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун фильм. "Доктор Айболит". 19.30 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. "Единдаим, дўстим...". 19.45 "Тошкент оқшомида". 20.45 "02" гўлжидари. 21.10 — 22.50 "Кинематограф".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 — 21.55 "СПОРТ ҚИТЪАСИ". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 5.00 — 8.00 "Телетонг". 17.55 "Тигиз пайт". 18.15 "Аляска Кид". Телесериал. 7-серия — "Рудетика қиролзи". 19.05 "Қўшқ-95". 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 "Енгилмаслар". 20.00 "Время". 20.40 "Енгилмаслар". 20.45 — 22.10 "Бу дунё зўравонлари". Телесериал. 2-серия.

ПАЙШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. 9.05 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. "Фахрийлар — фахримиз". 9.45 Мактаб ўқувчилари учун. "Дилдан қўйлаб, уйна қувнаб". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. "Қуролу қалам билан". Тўгон Эрназаров. 11.40 "Бола бошидан...". 12.20 — 13.00 Ўзбек қуйларидан концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Мультифильм. 18.20 "Ишбилармон". 18.50 "Ўзбекистон" — галаба яловбардори".

19.10 "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади... 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. Баҳодир Абдуллаев. "Тақдир". Теленовелла. 20.20 "Юзма-юз". 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Ишонч". Видеофильм. 22.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан. 22.30 "Тинчлик иссиб одамлар". Мусикий кўрсатув. 23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Қўнғил". 18.40 "Жозоба". 19.00 "Бир шингил хангома". 19.10 "Ишингиз бароридан келсин!". 19.20 "Муҳаббатта ошно қалблар". 19.40 "Теле-ателье-шоу". 19.50 Видео янгиликлари. 21.05 "Киноингоҳ". 22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Қаҳш эътилатган имкониятлар". 19.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм. 20.15 "Шалом!". 20.30 "Унинг" (уйғур тилида). 21.10 — 22.10 "Дураврнинг" телекомпаниясининг кўрсатувлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 "Телетонг". 17.55 "Тигиз пайт". 18.15 "Аляска Кид" Телесериал. 8-серия — "Елланган қотиллар". 19.05 "Эшларни учун...". А. Глазирин. Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 "Енгилмаслар". 20.00 "Время". 20.40 "Москва, Кремль". 21.00 "Енгилмаслар". 21.05 — 22.30 "Бу дунё зўравонлари". Телесериал. 3-серия.

ЖУМА, 5

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. 9.10 Немис тили. 9.40 "Сизга тўғизям". 10.10 "Табият ва илоҳот". 10.40 "Болалар мехмонхонаси". 11.10 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. "3ўр қаров йўлида". Адабий кўрсатув. 11.35 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси ўқитувчи ва талабаларининг концерти. 12.15 — 13.35 ЎзТВ дазирасидан. "Бозор қўрмаган Йигит". Телеспектакль.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўқирлар учун. "Умид учқуллари". 18.45 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. Анвар Эшоннов. "Узилган йиприқлар". Адабий кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Юнус Ражабий номидаги махкамчилар ансамблининг концерти. 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар.

21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида. 23.00 Хамид Фулом, Кахрамон Комилов. "Ўзбекистон қўшиғи" ораторияси. Телепреьера. 23.25 — 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. 9.15 "Ешлик" студияси. "Оқар дарлар". 10.15 Тошкент вилояти, Оққўрғон район Маданият уйи қошидаги "Наврўзи аҷам" халқ ансамблининг концерти. 10.40 "Компьютер-шоу" (такрор.). 11.15 — 13.15 "Биз танлаган йул". Видеоканал.

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Ўйиб кўйган яхши". 18.55 "Хуқуқ ҳимоячилари". 19.30 "Мусикий мехмонхона". 20.30 "Бизнес-академия". 20.55 — 22.25 "Ўғирлик". Бадий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель".

18.55 "Ташрифлар ва тақлифлар". 19.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:

20.15 "Компьютер — Осие". 20.45 "Автоклуб". 21.20 Эълонлар. 21.25 — 23.05 Видео — "О". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 5.00 — 8.00 "Телетонг".

17.50 "Бомонд". 18.10 "Аляска Кид". Телесериал. 9-серия — "Асп кураши". 19.00 "Муъжизалар майдони". 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 "Енгилмаслар". 20.00 "Время". 20.40 "Енгилмаслар". 20.45 — 22.10 "Бу дунё зўравонлари". Телесериал. 4-серия.

ШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. 9.15 "Шингил сандиқ". Телеуйин. 10.10 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати. 10.35 "Мусиқа жавони" саҳифаларида. 11.10 "Мардлик — мангулик!" телетанловига. Фарида Усмонова. "Она бағри". Телеспектакль. I-қисм. 12.40 — 14.00 "Заҳарли томчилар". Йўлдош Охунбоев номидаги Еш томошабинлар театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Қўшигим, жон қўшигим". 18.45 Спорт хабарномаси. 18.55 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. Нишурлар. "Соғиндим". Адабий кўрсатув. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусикий дақиқалар. 20.05 "Мозийга бир назар". 20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида. 22.15 "Олтин мерос". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор Матнэз Юсупов. 23.25 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 23.35 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 9.00 "Мультифейерверк". 9.25 "Табият дунёси". 9.15 Янгиликлар. 10.20 "Хусусийлаштириш: кадам-бакадам". "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 11.05 Видеоид. 11.25 "Теле-ателье-шоу". 11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 12.25 "Киноингоҳ". 13.55 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўй ҳайвонлари". 18.50 Болалар учун. "Табассум". 19.30 "Кинотриада". 20.30 "Бумеранг". 21.00 "Эстрада жиллолари". 21.20 "Нолу-Хау плюс". 22.05 — 23.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Солдат қўшиқлари ва тақдирлари". 11.00 "Қиймат ва қиммат". 11.35 "Нон тағзим". 11.55 — 12.55 "Қўнғил ораулари фидо ушанга". Ўзбекистон халқ артисти Ибрагим Юсупов. 17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 19.20 "Қолумб кашф этган дийр". 20.10 "Дурларинг" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.10 "Бу ажиб дунё". 21.30 "Менинг шаҳрим". 22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.

22.20 Футбол. Ўзбекистон чемпиони. "МХСК" — "Динамо" (Самарқанд). 23.10 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 "Беҳуда отилган ўқ". Мелодрама (Аргентина). 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 "Енгилмаслар". 20.00 "Время". 20.40 "Енгилмаслар". 20.45 — 21.45 "Виктория". Солдат қўшиқлари фестивали.

ЯҚШАНБА, 7

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Ўзбектеелефильм" студияси фильмларининг телефестивали. 9.15 "Қўнғил сартлар". 10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". Кўрсатув ва концерт. 11.00 "Мардлик — мангулик!" телетанловига. Фарида Усмонова. "Она бағри". Телеспектакль. 2-қисм. 11.50 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. "Азиз Ватан — барчамизники!". 12.30 — 14.00 "Болагим — пошполагим". Видеоканал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. "Сехрли оҳанглар". 18.35 "Мультипанорама". 19.05 "Ойна жаҳонда...". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Хафтанома" (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 "Яқшанба оқшомида". Мусикий кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Хафтанома". 21.30 Эълонлар. 21.35 "Тимсол" видеоканал. 23.05 — 23.35 "Хафтанома".

"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими. 10.05 "Қўнғил". 10.10 "Жозоба". 10.30 "Бир шингил хангома". 10.40 "Ишингиз бароридан келсин!". 10.50 "Муҳаббатта ошно қалблар". 11.10 "Теле-ателье-шоу". 11.20 Видео янгиликлари. 11.45 Янгиликлар. 11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 12.35 "Киноингоҳ". 14.15 — 14.35 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ II

17.00 "Совга". 17.30 "Даракчи". 17.55 "Жаҳон географияси". 18.45 "Панорама". 19.15 Эълонлар. 19.20 Видео — "О". 21.00 Эълонлар. 21.05 "Курьер". 21.25 "... яна об-хаво ҳақида". 21.35 "Постфактум". 21.45 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си"). 22.05 Эълонлар. 22.10 "Салом, ешлар!". 22.55 Эълонлар. 23.00 — 00.40 "Видео — "О".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Азробиқа. 9.15 "Коллекция". 9.35 "Жонли сайёра". 9.55 Мультифильм. 10.35 "Ақмалнинг янги саргузаштлари". Телевизион бадий фильм. I-серия (рус тилида). 11.40 "Менинг қучам". 11.55 "Кинематограф". 13.35 — 13.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 19.05 Галабанинг 50 йиллигига. "Аскар мактублари". 19.35 "Қамқорлик — тараққот нишонаси". 20.05 "Би-Би-Си" янгиликлари. 20.15 "Дурларинг" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.15 "Бу ажиб дунё". 21.35 — 21.45 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Юзма-юз". 18.25 "Енгилмаслар". 18.30 "Эҳ, йўлар, фронт йўллари...". 18.35 "Бориб ўз қўнғил билан кўр". Бадий фильм. I — 2-сериялар ("Мосфильм" ва "Беларусьфильм", 1985 й.). 20.55 "Енгилмаслар". 21.00 "Яқшанба". Ахборот-публицистик кўрсатув. 21.45 — 23.00 Радио кунига бағишланган концерт.

"Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" теледастуридан олинди.